

ХАҚ ЕВАЗИГА ХИЗМАТ КУРСАТИШ

9«8»2022 yil.

221-3-43-МТ/2022-son

Арнасой туман **Мактабгача таълим бўлими** (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”) Низом асосида иш олиб борувчи номидан **Ш.Зулфиқоров** орқали бир томондан ва Ёнфинга карши курашиш жамияти (кейинги ўринларда – “Ижрочи”) Низом асосида иш олиб борувчи номидан **Х.Ўтамуродов** орқали иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар хақида туздилар.

1. Шартноманинг предмети

1.1. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Ижрочи кейинги ўринларда “Хизматлар деб аталадиган қуидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади:

T/ P	Хизматлар тури	Улчов бирлиги	Сони	Қиймати	Суммаси
1	Услуги по химической обработке	кв.метр	11588	2500	28970000
	Жами				28970000

1.3. Хизматлар кўрсатиш муддати мазкур шартнома Фазначилик бўлинмаларида рўйхатга олиниб, буюртмачи томонидан шартнома умумий қийматининг 30 фоизи микдорида олдиндан аванс тўлови амалга оширилгандан сўнг 10 кун мобайнида.

1.3.1 Хизматлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

2. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.3. Агар ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни 3 кун ичida текинга бартараф этиш.

2.1.4. Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Буюртмачи кўрсатилаётган хизматлар учун шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан аванс тўловини амалга оширади, қолган 70 фоизи хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланиб, ижрочи томонидан буюртмачига ҳисобварақ-фактура хамда топшириш ыабул ыилиш далолатномаси тақдим этилган санадан бошлаб 15 кун ичидаги тўлаб берилади.

2.3. Буюртмачи кўйидаги ҳукуқларга эга:

2.3.1. Ҳар қандай вақтда ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзолангунга қадар ҳар қандай вақтда шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги хабарнома олингунга қадар кўрсатилган хизматлар қисмига мутаносиб қисмини ижрочига тўлаш.

2.3.3. Мазкур шартнома Фазначилик бўлинмаларида рўйхатга олингандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

3. Шартнома баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **28970000** (йирма саккиз миллион тўқказ юз етмиш минг) сўмни ташкил қиласди.

3.2. Буюртмачи томонидан ижрочига кўрсатилган хизматлар баҳосини тўлаш ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган хизматлар кўрсатиши муддатини бузганлиги учун ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошибб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Таравиҳларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон

қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табий оғатлар шулар жумласидандир.)

5.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

5.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой ўзлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

6.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳар хўжалик сўдида кўриб чиқишига топширадилар.

7. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

7.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилган ҳолда расмийлаштирилиб, Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтгандан кейингина юридик кучга эга.

7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8. Korruptionaga qarshi talablar

8.1. Ushbu shartnomaning har bir tomoni o‘ziga nisbatan qo‘llaniladigan barcha, shu jumladan O’zbekiston Respublikasi amaldagi qonunchilik va normativ hujjatlaridagi Korruptionaga qarshi tegishli shartlar va talablarni tushunishi haqida bir-birini ishontiradi va ularga amal qilishini kafolatlaydi.

8.2. Iste’molchi ushbu shartnoma amalda bo‘lgan butun davr mobaynida u (shuningdek uning mansabdor shaxslari, direktori, xodimlari, agentlari va boshqa vakillari) Yetkazib beruvchining manfaatlarida uning agenti yoki vakili sifatida harakat qilib, Yetkazib beruvchining hamda O’zbekiston Respublikasi amaldagi qonunchilik va normativ hujjatlarining Korruptionaga qarshi tegishli shartlari va talablariga qat’iy rioya etish majburiyatini oladi.

9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли

вакиллари томонидан имзоланиб **Газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.**

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова

10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Ижро қилувчи»

Ёнгинга карши курашиш жамияти

(етказиб берувчи номи)

Адрес: Жizzах вилояти Жizzах шаҳар Зилол
махалласи Рисаев кӯчаси

Тел./факс

x/p: 2021000300382289001

Банк номи: Жizzах шаҳар Миллий банки Жizzах
вилоят филиали

МФО 00121

ИНН: 201969608

ОКОНХ: 93190

Рахбар:



X. Утамуродов

M.Y.

«Буюртмачи»

Арнасой туман Мактабгача таълим бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Адрес:

Арнасой туман Голиблар МФЙ

Тел./факс: 72-372-11-91

x/p: 100022860082017091100251009

ИНН: 200331628

ОКОНХ: 97600

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳри

МВЯФХБ: x/p: 23402000300100001010

МФО: 00014

Рахбар:

Ш.Зулиқоров

М.Ү.

Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.

Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR
Code** ni skanerlang.



Imzolovchi F.I.SH.	SHAXRUX ZULFIQAROV DAMINOVICH
--------------------	----------------------------------

Imzolangan sana	9 авг 2022 19:15
-----------------	------------------

Hujjat kodi	HY4728231354
-------------	--------------

Hulosa kodi	EH3271320354
-------------	--------------

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

HY4728231354

1. Loyihaning turi – shartnoma.

2. Loyihaning nomi – 28 970 000 so‘mlik haq yevaziga xizmat kursatish.

Shartnoma tomonlari:

Buyurtmachi - Arnasoy tuman Maktabgacha ta’lim bo‘limi Nizom asosida
ish olib boruvchi rahbar Sh.Zulfuqorov.

Ijrochi - Yong‘inga karshi kurashish jamiyati nomidan X.O’tamurodov

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana – Arnasoy tuman
Maktabgacha ta’lim bo‘limi 2022 yil 09 avgust.

4. Loyiha bo‘yicha taklif va e’tirozlar:

Loyiha amaldagi qonun hujjalari muvofiq ishlab chiqilgan.

Ushbu shartnoma loyihasini rasmiylashtirishda O‘zbekiston
Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi O’RQ-684-sonli “Davlat xaridlari
to‘g‘risida”gi Qonuni talablariga rioya qilishingiz tavsiya etiladi.

**Arnasoy tuman yuridik
xizmat ko‘rsatish markazi
09.08.2022 yil**





Арнасой туман мактабгача таълими бўлмининг 10 та мактабгача таълим ташкилотларининг том ёғоч кисмига ёнгинга карши кимёвий ишлов бериш иш хизматларини бажариш учун.

2022 йил “9” овгуст

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 29

Арнасой туман

Қатнашдилар:

М.Худойбердиев

- Арнасой мактабгача таълими бўлми ТМЗ хисобчиси, комиссия котиби

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

М.Улугов

- Арнасой мактабгача таълими бўлми давлат харидлари бўйича мутахасис, комиссия аъзоси.

Ғ.Бойназаров

- Арнасой мактабгача таълими бўлми мутахасис, комиссия аъзоси

С.Суяров

- Арнасой мактабгача таълими бўлми бош хисобчи, комиссия аъзоси

Ш.Умирзоқов

- Арнасой мактабгача таълими бўлми хўжалик мудири, комиссия аъзоси

Кун тартиби:

Арнасой туман мактабгача таълими бўлмининг 10 та мактабгача таълим ташкилотларининг том ёғоч кисмига ёнгинга карши кимёвий ишлов бериш иш хизматларини бажариш бўйича берилган 21 июл 2022-йилдаги 29.549.400 (йигирма тўққиз миллион беш юз кирқ тўққиз минг тўрт юз) сўмлик, №126756-сонли лотга асосан асосан энг яхши таклифларни танлаш бўйича ўтказилган танловда, танлов комиссияси аъзолари томонидан ушбу лот бўйича таклифларни берган иш хизматларни бажарувчилар орисидан энг яхши таклиф берган иш хизматларни бажарувчи танлаб олинган холда ғолиб аниқланди хамда 2 иш куни мобайнида танлов натижаларига асосан аниқланган ғолибга нисбатан рақобатчилар томонидан хеч қандай этиrozлар бўлмаганлиги сабабли “Ёнгинга Қарши Курашиб Жамияти” МЧЖ билан 28.970.000 (йигирма сakkiz миллион тўққиз юз етмиш минг сўм) сўмга мактабгача таълим ташкилотларининг том ёғоч кисмига ёнгинга карши кимёвий ишлов бериш иш хизматларини бажариш бўйича шартнома тузиш кўриб чиқилди.


Қарор қилади:

- “Ёнгинга Қарши Курашиб Жамияти” МЧЖ томонидан Арнасой туман мактабгача таълими бўлмининг 10 та мактабгача таълим ташкилотларининг том ёғоч кисмига ёнгинга карши кимёвий ишлов бериш иш хизматларини бажариш бўйича ракобатчиларга нисбатан энг яхши таклифларни берганлиги хамда 2 иш куни мобайнида ғолибга нисбатан хеч қандай этиrozлар бўлмаганлиги сабабли “Ёнгинга Қарши Курашиб Жамияти” МЧЖ билан мактабгача таълим ташкилотларининг том ёғоч кисмига ёнгинга карши кимёвий ишлов бериш иш хизматларини бажариш бўйича шартномаси тузилсин.

М.Худойбердиев
(И.Ф.О.)


(Имзо)


Ғ.Бойназаров
(И.Ф.О.)


(Имзо)


М. Улугов
(И.Ф.О.)


(Имзо)

С.Суяров
(И.Ф.О.)


(Имзо)

Ш.Умирзоқов
(И.Ф.О.)


(Имзо)